




• ДАВЛАТГА ПЛАНДАГИ 8120 ПУД, ИЛГАРИГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТДАГИ 60 МИНГ ПУД ЎРНИГА 106 МИНГ 250 ПУД ДОН ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ. БУ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ТЎРТИНЧИ ЙИЛИ ТОПШИРИҒИДАН ЎН УЧ БАРАВАР КЎП ДЕМАКДИР • Мавжуд 2783 гектар қир ерларнинг ҳар гектаридан пландаги 9 центнер ўрнига 12 центнердан хирмон кўтарилади. • *Галла таннархи уч йил ичида уч барабар арзонлашди. Дон экишдаги янгилик. Қулай фурсат—галла-корнинг асосий мезони* • Бир комбайнчи 450-500 гектар ердаги галлани ўриб, 37-40 минг пуд дон янчади • Бир шофер давлат омборига 60 минг пуддан зиёд дон ташийди • Ўрим—йигим мавсумида комбайнчининг бир кунлик иш ҳақи — қарийб 20 сўм • Янги марралар, янги вазифалар.

БИР ЙИЛДА 13 ЙИЛЛИК ДОН

„ГАЛЛАҚУДУҚ“ СОВХОЗИ ГАЛЛАКОРЛАРИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ



Совхоз директори Ўртоқ Г. Гриценко.



Марказлашган галла хирмонининг приёмчиги Ўртоқ Х. Шокирова.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАН

СОВХОЗИМИЗНИНГ ташкил этилганга элтишга беш йил бўлди. Илгари ҳужайимизнинг ишлаб чиқариш базаси ҳам, техникаси ҳам, кадрлари ҳам талабга жавоб бера олмас эди. Минг гектарга яқин ерда галла етиштирилари. Хар гектар майдоннинг ҳосилдорлиги аранг етти-саккиз центнерни ташкил этарди. Таннарх планда белгиланганга нисбатан уч барабар қиммат бўларди.

Нима қилиш керак? Қандай қилинса, ҳўнали қўлоқликдан чиқади. Ҳосилдорлик ортади, таннарх арзонлашади, моддий манфаатдорлик кўтарилади.

Бу жумбоқлар совхоздаги ёшувари хар бир галлакорни ўйлантириб қўйди. Қўнчилик бўлиб фирмаланиб, юксалиш йўлини излаб бошлади. Олимларга мурожаат қилиди. Улар галлакорларимизни фан янгиликлари билан қўроллаштиради. Республикадаги мамлакатимизнинг бошқа ерларидан илгор галлакор ҳўжаликлари билан тақрибаси билан танишди.

Ҳўжаликнинг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, совхоз галлачилигини ишбилармон кадрлар ва механикаторларни жалб этиш биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилди. Янги-янгидан машиналар ва бошқа механизмлар сотиб олдиди. Галлакорлар ўртасида социалистик мусобақани тобора кучайтира борди, ўзаро тақриба алмашишни яхши йўлга қўйди. Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти галлакорларнинг моддий манфаатдорликларини ошириш юзасидан зарур тадбирлар қўрди.

Будларнинг ҳаммаси ҳўжаликнинг юксалиш йўли сари бошлади. Совхоз ташкил этилгандан кейин икки йил ўтган, галла экишга таннарх икки ярим барабарга кенгайди, дон ҳосилдорлиги эса бир ярим барабар қўйилди. Илгилек планлар анча ортиги билан бажариладиган бўлиб қолди.

Совхозимиз галлакорлари, айниқса, беш йилликнинг учинчи йилида катта зафарга эришдилар. Дон тайёрлаш йиллик плани республика бўйичагина эмас, балки бутун мамлакатимиз бўйича энг биринчилар қаторида беш иш кунда бажарилади. Зиммага олтидан мажбурийат планидан уч барабар кўп эди. Галлакорларимиз бу мажбурийатни ўн икки иш кунда бажаришга муваффақ бўлишди. Кейин яна оширилган социалистик мажбурийат олишди.

Ҳўлас, йигирма беш иш кунда 2682 гектар майдондаги галлани батамом ўриб-йигиб, саранжомлаб олдиди. Давлатга 104 минг пуддан ортиқ дон топширди. Бу йиллик пландан беш ярим барабар кўп демакдир.

Ишлаб чиқаришда эришилган юксак кўрсаткичлар ҳўжалик иқтисодининг мустаҳкамлашга жиддий таъсир қилди. Биринчи галда галла таннарх кўсони арзонлаша бошлади. Хар бир центнер галланинг таннархи 1965 йилдаги 16 сўм 12 тиғни ўрнига 1968 йилда 5 сўм 28 тиғига түғри келди.

Совхоз галлакорлари астойдил қилган меҳ-

ДОН—НОН. Элимизнинг донга бўлган эҳтиёжи йил сайин ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам партия ва ҳўкуматимиз мамлакатда дон етиштиришни тобора кўпайтиришга жиддий эътибор бермоқдалар. Галлакорларга оталарча ғамхўрлик қилмоқдалар. Партия XXIII съездида, Марказий Комитетнинг съезидан кейин бўлиб ўтган ЦКнинг йилда бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан бир қаторда дон етиштиришни кескин кўпайтириш юзасидан зарур тадбирлар белгиланди.

Мамлакатимиз галлакорлари партия ва ҳўкуматимизнинг кўрсатмаларига амал қилиб, мўл-кўл дон етиштириш йўлида ҳўрмай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Ўрта Чирчиқ районидаги «Галлақудуқ» совхозининг галлакорлари ҳам ана шулар жумласидандир. Улар дон етиштириш ва уни давлатга топширишда йил сайин янгидан-янги марраларни эгалаб кетмоқдалар.

Бу йилги қишнинг ҳаддан ташқари совуқ келиши довчиллик соҳасини ташвишли бир ҳолга солиб қўйди. Қўнчилик майдонларга экилган кузги донни совуқ уриб кетди. Ана шундай бир пайтда «Галлақудуқ» совхозининг азамат галлакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, катта ватанпарварлик ташаббусини бошлаб бердилар. Улар беш йилликнинг тўртинчи йилида давлатга пландагига нисбатан ўн уч барабар кўп дон етказиб беришга қатъий бел боғладилар!

Қуни-кеча муҳбиримиз шу совхоз директори Ўртоқ Г. ГРИЦЕНКО билан суҳбатлашди. Қўйида шу суҳбатнинг мазмунини билан танишсан.

ЮТУҚЛАР КАЛИТИ

ГАЛЛАҚУДУҚЛИКЛАР бундай ютуқларга қандай қилиб эришилган, деган савол туғилиши мумкин. Хар қандай ютуқнинг ҳам калити — фидокорона меҳнат ва ишнинг қўнчили биллиб уни юртилиш.

«Дехқончиликнинг боши — шудгор» деб бежиз айтишмаган. Хар бир иш бошида пухта қилинса, кейинги ишлар осон кўчаверади. Бизнинг дехқонларимиз аввало шудгорлашни қўлай агротехника муддатига сифатли қилиб ўтказишга жиддий эътибор билан қарашади. Галла ҳосили ўриб-йигиб олиниши биланоқ ҳайдов тракторларини ишта тушириб юборади.

Мавжуд 9 та тракторимиз кечая-кундуз бетишим ер ҳайдайди. Шудгорнинг чуқурлиги барча майдонларда 20—22 сантиметрдан кам бўлмайди. Ўтган йилнинг кузида шудгорлашга бир янгилик киритилди: ер ҳайдалгандан сўнг йиррик-йиррик несанлар ҳосил бўлмаслиги учун плугларнинг орқасига тишли катоклар ўрнатилди. Натижада ер майин ҳайдалди.

Қўн. Илгарилари хар гектар ерда 80 килограммдан уруғлик экиларди. Қиш қаттиқ келса, шу уруғликларнинг кўп қисминини совуқ уриб кетиши мумкин. Масалан, 1966 йилда шундай бўлди. Натижада галла ҳосилдорлиги кескин камайиб кетди. Ана шунини ҳисобга олиб, кейинги йилларда дон экиш нормасини 120 килограммга етказди.

Хар эҳтимолга қарши қилинадиган бу тадбир ўзини оқлайпти. Мисол учун шу йилги қишнинг олиб қўрайлик. Совуқ бениҳоя қаттиқ бўлди, қор ҳаддан ташқари кўп эди. Яқинда Оҳангарондан дон уруғчилиги лабораториясининг ходимлари келиб, барча майдонларимизни текшириб чиқилди. Экилган доннинг аттиги 5—7 процентини совуқ урибди, ҳоло. Бунинг мўл ҳосил етиштиришни учун ҳеч қандай ҳавфи йўқ. Чунки дон нормал чуқурликка тушган, экиш нормаси 120 килограмм қилиб белгиланган.

Ўтган йил дон экишга яна бир янгилик киритилди. Илгарилари уруғлик экиш агрегатларига араваларда, принципларда ташиб олиб борилар, сепална идишларига қўл билан тўлдирлар эди. Бунинг учун ўндан ортиқ киши овера бўларди. Уруғлик дон тўлдирлаётган пайтда экиш агрегатлари анча тўхтаб қоларди. Ўтган йили эса маҳсул инҳозланган автомашинами шу ишга қўйди. Бу машина беш минут деганда сепална идишига дон тўлдириб кетаверди. Битта шофернинг ўзи илгари ўндан ортиқ киши қилган ишни бажаради. Бунда ҳам вақтдан, ҳам ортиқча маблаг сарфлашдан ютилади. Илгари хар бир агрегат кўнига 30 гектарга қадар дон экила бўлса, эндиликда 45—50 гектар ерда дон экидиган бўлди.

ҳамма нарса муҳайё этилади. Бундан ташқари, механикаторлар учун алоҳида дам олиш хонаси инҳозланади.

Ўрим-йигим ишларини қисқа фурсатда уюшқонлик билан ўтказиш ҳаммамизнинг диққат-марказимизда туради. Негатки, галла аини нишган пайтда ўриб олинса, сира нес-нобуд бўлмай хирмонга тушади. Агар ўрим-йигим ишлари чўзиб юборилса, бошқалар иссида қовқираб, анчагина донини ерга тўкиб юборади. Масалан, бизнинг ерларимиз шаронтида галла гарқ нишганда гектар бошига 20 центнергача дон олиш мумкин. Орадан бир ой ўтгач, шу ҳосилдорлик 9—10 центнерга тушиб қолади. Галлакорларимизнинг ўрим-йигим палласида эр фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилишларига сабаб энг аввало ана шунда.

Ҳўжаликнинг ҳамма майдонларидан ўриб олинган ҳосил битта марказлаштирилган хирмонга олиб келинади. Бу ердаги ишлар тўла механизациялаштирилган. Доннинг ҳаммасини биз давлатга яхшилаб тозалатган ҳолда топшираимиз.

«ОЛТИН БОШОҚ» ИЖОДКОРЛАРИ

ГАЛЛАКОРЛАРИМИЗНИНГ ҳаммаси дам сергайрат, меҳнатсевар ва ташаббускор, ўлар ҳаммаша инқилик ва уюшқонлик билан меҳнат қилишади. Кадрларимиз об-ҳаво хар қандай оғир келган шаронтида ҳам мўлжалдаги ҳосилни етиштиришга қодир бўлиб қолишган. Бу фикрнинг исботи учун биргина мисол келтиришқимиз. 1967 йил кишида барча майдонларимиздаги кузги донни совуқ уриб кетди. Ваҳорда ҳамма ерга қайтадан дон экишга түғри келди. Шунда галлакорларимиз бутун куч ва имкониятларини ишта солиб, кечая-кундуз тинмай меҳнат қилишди. Натижада қўнчили ҳўжаликлар бу ишни бир-бир ярим оғир чўзиб юборган бир пайтда бизнинг галлакорларимиз саккиз иш кунда 2808 гектар майдонга қайтадан дон экиб олишди. Ҳосилдорлик чакки бўлмади: гектар бошига пландаги 8 центнер ўрнига 10 центнердан ортиқ хирмон кўтарилиди.

Ўртоқ Айдар Мавлонов раҳбарлик қилаётган галлачиллик бригадасининг дехқонлари йил сайин 2700—2800 гектар майдонда дон етиштиришати. Улар ҳосилдорлигини 12—13 центнерга етказилди. Қир ерлар шаронтида бунчалик катта майдонларда ўрта ҳисобда шун-

экиш агрегатига ўтиб ишлайди. Хар кунини камида 50—60 гектар майдонга дон экади.

Саиджоним Кенжабоев, Сафар Қаршибоев, Бронислав Башинский сингари комбайнчиларимиз ҳам Иван Гурьяновдан қўлинишмайди. Ана шулар сингари сергайрат, олимизмат механизаторларимизнинг фидокорлиги туғайди ўрим-йигим кампаниясини 25—26 кун деганда тугалаймиз. Ўриб-йигилган донни давлат омборига ташинда шоферларимиз жонбозлик кўрсатишади. Масалан, илгор шоферини Сайдулла Қурбонов ўтган йилги мавсумда нормадаги 400 тонна ўрнига 1012 тонна галлани давлат омборига ташиб берди.

Бундай олижаноб кишиларимиз түғрисида гапираремиз десак ган қўн. Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти «Яхши исҳозгача — яхши ҳар» деган принципа қатъий амал қилиб, галлакорларни моддий рағбатлантиришга жиддий эътибор бериб келати. Ўрим-йигимнинг дастлабки ўн кунда меҳнат ҳақи 60 процент оширилади. Масалан, комбайнчи икки сменаси мобайнида 18 гектар ердаги галлани ўриб, нормани бажарса, унга 18 сўм 45 тиғни ҳақ тўланади. Агар у 1-класс тракторчи бўлса, яна 20 процент қўшимча ҳақ олади.

Бундан ташқари, ўрим-йигим кезларда кўчма вимпеллар таъсис этилади. Хар ўн кунини иш янгуларига қараб, илгорларга мукофотлар берилади. Галлакорларга натура билан ҳақ тўлашни ҳам яхши йўлга қўйганмиз. Механизаторларга уч центнерга қадар галла бешиб берилади. Бу тадбирларнинг ҳаммаси галла етиштиришни кўпайтиришда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

МАРРА—106.250 ПУД

МАЪЛУМКИ, бу йилги ҳақратон қиш мамлакатимизнинг қўнчилик районларидан галлачиллик ҳўжаликларида катта эиен етказди. Шундай бир пайтда дон етиштиришни бутун қоралар билан кўпайтириш хар бир галлакорнинг ватанпарварлик бурчи. Совхозимиз галлакорлари ана шу бурчин оқлаш учун катта ташаббус бошладилар. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, бу йил давлатга пландаги 8120 пуд, дастлабки мажбурийатдаги 60 минг пуд ўрнига 106 минг 250 пуд дон етказиб берамиз ва йиллик топширини ўн уч барабар ошириб бажарамиз, деб ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбурийат олдилар. Бунинг учун 2783 гектар майдоннинг хар гектаридан пландаги 9 центнер ўрнига камида 12 центнердан хирмон кўтариш лозим.

Шу юксак маррага қандай қилиб эришиш түғрисида яқинда галлакорларимиз денгашиб олишди. Бундан кейин қилинадиган ишларнинг конкрет тадбирлари белгилб чиқилди. Биринчи галда яна 104 гектар майдонга баҳорикор дон экилади. Кузги галла экилган майдонларнинг ҳаммаси марг ойн охирига калар минерал ўғитлар билан озиклантирилади. Бунинг учун 860 тоннадан ортиқ аммиак селитраси ва суперфосфат акратилди. Хар гектар майдонга 50 килограммдан аммиак селитраси ва шунча миқдорда суперфосфат сепилди. Бу ўғитлар ҳосилдорлигини гектар бошига камида уч центнер оширади.

Апрель ойида энг қўлай агротехника муддатларида барча майдонларни бороналаб чиқамиз. Бунинг натижасида энди униб чиқаётган бегона ўтлар қириб ташланади ва тупроқнинг намлигини сақлаш ҳамда ҳаво ўтказиш ҳусусияти яхшиланади. Галла бошқоқ ола бошлаган пайтда барча майдонларини бирма-бир тенгириб чиқиб, зараркундада тушган участкаларга механизмлар ва самолётлар ёрдамида дори сепамиз.

Ўрим-йигим ишларини йигирма кундан кечиктирмасдан тугаллаш учун бутун имкониятларини ишта соламиз. Бунинг учун ўрим-йигим техникасини барвақт сошлаб, мавсумга тахт қилиб қўямиз. Ўрим-йигим ишлари тутани биланон келгуси йил мўл ҳосили учун дарҳол ерларимизни шудгорлаб, яна кузги дон экиб қўямиз.

Улғу доҳимиз В. И. Ленин туғилган кунини юз йиллигини муносиб кутиб олиш учун астойдил курашаётган партия ва ҳўкуматимизнинг доно кўрсатмалари асосида дон етиштириш тобора кўпайтириш учун ҳаракат қилаётган совхозимиз галлакорлари бу йил давлатга доно сотиш планини ўн уч барабар ошириб бажариш юзасидан олтидан улкан социалистик мажбурийатларнинг уйдасидан албатта чиқа оладилар. Бунга ҳаммамизнинг ишонтимиз қўямиз.



Суратларда: совхозининг илгор комбайнчиларидан И. Попов (чапда), С. Қаршибоев (ўнгда) ва пешқадм шофер С. Қурбонов (ўртада) ўртаклар.

Ҳўжалигимизнинг барча майдонларига дон кузда экилади. Чунки баҳорикор галлага нисбатан кузги галланинг афзалликлари кўп. Кузги галладан баҳорикор галлага нисбатан гектар бошига 4—5 центнер кўп ҳосил олиш мумкин. Шунинг учун ҳам биз ўрим-йигим тутаган, дарҳол шудгорлаш, ерин эишга тайёрлаш ва қисқа фурсатда дон экиб олишга жиддий эътибор берамиз.

Бунда кузги ёгингарчиликларнинг бошланганини кутиб ўтирмаймиз. Дон кузгү ерга экилавереди. Ер намлангандан кейин экамиз, деб қараб ўтирасан, фурсатини бой берамиз. Чунки совхозининг галла майдонлари жуда катта. Қўлай муддат келганда ёгингарчиликлар чўзилиб кетиб, экишга улгуролмай қолганимиз мумкин. Тақрибда шунга тўла қаноат ҳосил қилганини, кузги ёгингарчиликлардан олдин экилган барча майдонлардаги дон биринчи ёмғирдан кейноқ ёппасига униб чиқа бошлайди.

Ҳамма майдонларда экиладиган ҳар асосан совхозининг ўнда етиштирилади. Ур йили 400 тонна уруғлик дон тайёрланади. Галла ўрим-йигими олдида агрономлар энг яхши участкаларни уруғлик учун акратадилар. Бу участкалардаги ҳосил алоҳида ўриб олиниб, алоҳида омборларда сақланади. Навин янгилаш мақсадида хар йили Галлаоролдаги Қир ерлар дехқончилиги институтидан 15 тонна уруғлик олиб келинади.

Дон экиш нормасини белгилашда ҳам гап

Хар йили ўрим-йигимни жуда қисқа фурсатда ўтказишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун олдиндан пухта тарадуд қўрилади. Ўрим-йигим кампанияси бошладиди дегунча, каттадан-кичик ҳамма галлазорга кўчиб чиқади. Иш икки сменда ташкил этилади. Ўзюбор комбайнларнинг овози куну-тун тинмайди. Комбайнчиларга ва ўрим-йигимда иштирок этади галла бошқа ҳамма ишчиларга қўлай маданий шаронтилар яратиб берилади. Қўчма дала шийпонида намунали дам олиш учун

дай хирмон кўтаришининг ўзи бўлмайди. Бунга галлакорларнинг ҳақрамонона меҳнати туғайли эришилляпти.

Комбайнчи Иван Гурьянов совхозимиз машғали деб атасак арзийди. Чунки у хар йилги мавсумда пешқадмликни қўлдан бермади. Ўзюбор комбайн билан мавсум нормасидаги 250 гектар ўрнига 450—500 гектар ердаги галлани ўриб, 600—650 тонна дон янчади. Ўртоқ И. Гурьянов бошқа механизаторларимиз каби ўрим-йигим тутаган, комбайндан



Ушбу суратда ҳўжаликнинг трактор паркни кўриб түғибсиз. Совхоз инженери ўртоқ М. Лунарев (ўртада) илгор комбайнчилардан И. Гурьянов ва С. Кенжабоев ўртаклар билан биргаликда техника мавсумга қандай тайёрланаётганлигини текширмоқда. Н. Тўраев фотолари.

• БУ ЙИЛ ДОН ЭКИНЛАРИ УЧУН ВУЖУДГА КЕЛГАН ҚУЛАЙ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИНИ ҲИСОБГА ОЛИБ, 1,5 МИЛЛИОН ТОННА ДОН ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА 40 МИЛЛИОН ПУД ДОН СОТИШ ЮЗАСИДАН ОЛИНГАН ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАНИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ХИП ПЛЕНУМИ МАЪҚУЛЛАГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИБГИНА ҚОЛМАЙ, БАЛКИ ОШИРИБ БАЖАРИШГА ЭРИШИШ ЗАРУР.

(Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Республикадаги галлакор районларининг 1969 йилда дон етиштириш кўпайтириш юзасидан олган мажбурийатлари түғрисидан»ги қароридан).

